



## CHINESE NEW POETRY AND BUDDHISM

**O. Ochilov**

Associate Professor

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Buddhism, poetry, Zen poetry, poetic reforms, holy books

**Abstract:** The article is about the influence of Buddhism on Chinese literature, especially poetry, the uniqueness of the verses in Buddhist scriptures, their emergence as a new genre, the peculiarities of Zen poetry, which began to spread in the late and early Sung dynasties as well as about the state of poetry in the late 19th century, which promoted Buddhist ideas and culture.

**Received:** 02.06.22

**Accepted:** 04.06.22

**Published:** 06.06.22

## ХИТОЙ ЯНГИ ШЕЪРИЯТИ ВА БУДДАВИЙЛИК

**O. Очиллов**

Доцент

Тошкент давлат шарқишунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Буддавийлик, шеърият, Дзен шеърияти, шеърий ислохотлар, муқаддас китоблар

**Аннотация:** Мақола Буддавийлик динининг хитой адабиётига, хусусан шеъриятига таъсири, буддавийлик муқаддас китобларидаги дхармаларнинг ўзига хослиги, уларнинг янги жанр сифатида юзага келиши, Танг сулоласининг сўнгги ва Сунг сулоласининг бошланғич даврларида кенг тарқала бошлаган “Дзен шеърияти”нинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда буддавийлик ғоялари ва маданиятини тарғиб қилувчи шеъриятнинг 19-аср охирларидаги ҳолати ҳақида.

## КИТАЙСКАЯ НОВАЯ ПОЭЗИЯ И БУДДИЗМ

**O. Очиллов**

Доцент

Ташкентский государственный университет востоковедения

---

**О СТАТЬЕ**

---

**Ключевые слова:** Буддизм, поэзия, дзен-поэзия, поэтические реформы, священные книги

**Аннотация:** В статье рассматриваются влияние буддизма на китайскую литературу, особенно на поэзию, уникальность дхармы в буддийских писаниях, их появление в качестве нового жанра, особенности поэзии дзен, начавшей распространяться в период поздних и ранних династий Сун, распространение буддийских идей и культуры, о состоянии поэзии в конце 19 в.

---

**КИРИШ**

19-аср охирларига келиб Хитойда буддавийлик шеърияти ўша даврда бошланган шеърият инқилоби билан ҳамоҳанг тарзда тараққий этишга ҳаракат қилди, лекин бу бевосита қадимдан ривожланиб келаётган анъанавий буддавийлик шеърияти билан боғлиқ эди. Буддавийлик дастлаб ўз таълимотларини ёйишда одатда қисқа дҳармалардан (偈頌) фойдаланган бўлиб, улар ёдлаш учун қулай, оғиздан-оғизга ўтиб юриш учун мўлжалланган. Бундай шеърият бўғинларнинг қисқа-чўзиқлиги, уларнинг жойлашиш ўрнига кўра бир-биридан фарқ қилувчи ҳар хил турларга ажралган. Умуман айтганда, Буддавийлик шеърият тизими ретмик ўлчовга асосланган эди.

**АСОСИЙ ҚИСМ**

Буддавийликнинг аксарият муқаддас китоблари шеърий шаклдаги дҳармалардан иборат бўлганлиги сабаб, улар хитой тилига таржима қилиниш жараёнида Хитойнинг мавжуд анъанавий шеърияти билан тўғридан-тўғри узвий муносабат содир бўлди. Бирок, китобларни таржима қилиш ҳалқалай адабий ижоддан фарқланади, асл манбаининг мазмуний ва шаклий чекловига дуч келади, дҳармаларнинг таржимаси хитойча шеърий шаклга эга бўлсада, мазмун жиҳатдан анъанавий шеъриятдан кескин фарқланиб турган. Дҳармаларнинг асосий мазмуни асосан буддавийликни тарғиб қилиш ва Буддани мадҳ этишдан иборат бўлиб, бир қисм дҳармалар лирик, прозаик, фалсафий ва бошқа хусусиятларга эга, мақсад кенг оммани жалб қилиш бўлганлиги сабаб тил жиҳатидан оғзаки нутққа яқин бўлган. Буддавийлик муқаддас китоблари Хитойга кириб келгандан сўнг йирик миқдордаги қўлидан шеър ёзиш келадиган роҳиблар дастлаб тақлидан ижод қилишди, кейинчалик хитой анъанавий шеъриятининг хусусиятларини сингдиришда ва янгича шаклдаги ўзига хос услубни яратишга киришди. Шу билан бирга айрим катта роҳиблар Будданинг буюк фазилятларини дҳармалар шаклида ифодалашга ҳаракат қилишар эди. Баъзан дҳармалар ва шеърият ўртасидаги қатъий фарқларни англаш мушкул. Танг сулоласининг машҳур роҳиби Ши Дэ шундай деган эди: “Менимча шеър бу шеърдир, баъзилар уни дҳарма деб атайдилар.

Шеър билан дхарманинг фарки йўқдир, ўқиладиганда диққат қилмоқ даркор”. Бунда хитой шеърятининг дхармаларга услуб, мазмун, образлар тизими, тил, стилистик ва бошқа бир қатор жиҳатлардан улкан таъсири бор. Шу тариқа дхармалар ривожланиб бориб аста-секинлик билан мустақил жанрга айланди. Танг сулоласининг сўнги ва Сунг сулоласининг бошланғич даврларида кенг тарқалган “Дзен шеърятини” (“禪詞” – одатда медитация учун яратилган куйлашга мўлжалланган шеърлар) ҳам Буддавийлик шеърятининг бир қисмига айланди. Шундай шеърлардан бири куйидагича мазмунга эга :

天也空，地也空。人生渺渺在其中。

日也空，月也空。东升西坠为谁功。

金也空，银也空。死去何曾在手中。

宅也空，田也空。换了多少主人翁。

朝走西，暮朝东。人生犹如采花蜂。

采得百花成蜜后，到头辛苦一场空！

-----  
Осмон йўқдир, ер ҳам йўқ. Улар орасида ўтмоқда умр.

Қуёш йўқдир, Ой ҳам йўқ. Шарқдан Ғарбга кўтарган кимдир?

Олтин ҳам йўқ, кумуш-да йўқдир. Ўлгач ҳеч ким қўлида йўқдир.

Хотининг йўқ, боланг ҳам йўқдир. У дунёга кетганинда ёнингда йўқдир.

Томинг йўқдир, даланг ҳам йўқдир. Қўлдан қўлга ўтгани кўпдир.

Ғарбга қара, Шарқ томонга бок. Умринг худди арига ўхшар.

Йиғдинг, асал қилдинг. Ташвишга йўлиқсанг, ҳеч вақонг йўқдир.

Манжурлар бошчилигидаги Чинг империясининг сўнги даврларига келиб “Шеърят инқилоби” (“世界革命”) шиори остида мавжуд анъанавий шеърятда кенг ислохотлар ўтказиш ҳаракати бошланди. Дастлаб Лянг Чичао, Ся Цэнзуо, Тан Сэтонг тез-тез Пекинда йиғилишиб шеърятни ислоҳ қилиш бўйича муҳокама ва мунозаралар ўтказиб туришган. Бу оқим шеърятининг асосий хусусиятларидан бири шеърятга “янги отлар”ни яъни от сўз туркумига оид янги лексикани олиб кириш орқали бошқа оқимлардан фарқланиб туришга уринишда эди. Улар асосан Буддизм, Конфуцизм ва Христианликнинг муқаддас китобларидан олинган сўзлардан фойдалана бошлашди. Бундай сўзлар хитой тилига асосан фонетик жиҳатдан ўзлашган ҳамда рамзий маънога эга эканлиги билан махсус изоҳларсиз тушуниш мушкул бўлган. “Янги билим шеърятини”ни тушуниш қийин бўлсада, бу оқим етакчилари мураккаб сиёсий, маданий, тарихий вазиятга қарамасдан тинимсиз равишда фикр эркинлигига, янги ғояларини илгари суришга интилишарди. Шунингдек, Буддавийлик маданиятининг таъсири бир қатор замонавий ёзувчиларнинг асарларида ғоявий жиҳатдан

намоён бўлади. Мисол учун, Лу Сюн, Жуо Зуожен, Зонг Байхуа, Гуо Можуо, Лао Шэ, Юй Дафу, Суй Дэшан, Фэй Минг, Жу Шуанг, Фэнг Зикай ва бошқалар. Айнан буддавийлик маданиятини тарғиб қилувчи, янгича шаклда ижод қилувчи, “Дзен шеърияти” анъаналарини замонга мословчи шоирлар гуруҳи кўзга ташланмайди. Ўша даврнинг машҳур шоирларидан Су Манжу ва Ли Шутонглар кейинчалик унга мурожаат қилган бўлсаларда, улар ёзган шеърлар ҳамон анъанавий шаклда эди. Янги шеърият бўйича бошланган ислохотлар дастлаб “маърифатпарварлик” ғояси остида бошланган бўлсада, бироқ ҳаддан ортиқ даражада анъанавий маданиятни рад этиш, илмий ва рационал танқидчиликни дастак қилиб, уни маърифатчилик ғояларини тарғиб қилиш воситасига айлантириш “ғоя гўзалликдан устун” концепциясининг шаклланишига олиб келди. Буни Лянг Чичаонинг хотираларидан англаш қийин эмас: “Биз биргаликдаги фаолиятимиз даврида олдинги илм аҳлига қарши бўлдик, уларга хайрихоҳ бўлмадик, балки улардан нафратландик...Биз ўша пайтларда Хитойнинг Хан сулоласидан кейинги илми аркони мутлақо керак эмас, хорижнинг илми маъқул, деб ҳисоблардик. Модомики, бизга Хан сулоласидан кейинги давр керак эмас экан, унгача бўлган барча дин ва фалсафий оқимларнинг муқаддас китоблари ва мутаффакирларининг илмий меросини дастурил амал қилиб олдик; хориж илми маъқул дея ҳисобласада, уни тушунмас, ўқий олмас эдик, бор-йўғи бир нечта диний таржима китоблар бўлиб, уларни бебаҳо кўрар эдик. Бунинг устига бизнинг субъектив ғояларимиз — дин бўлиб дин бўлмаган, фалсафа бўлиб фалсафа бўлмаган, фан бўлиб фан бўлмаган, адабиёт бўлиб адабиёт бўлмаган ғалати ва абсурд ғояларимиз келиб қўшилди. Юқорида санаб ўтилган барча унсурлар ўзаро қоришиб “Янги билимлар шеърияти” деб аталмиш ҳаракатни ташкил қилди”. Диний-фалсафий мазмунга берилган бу ҳаракат янгиликка интилаётган авангард ёшлар томонидан қабул қилинмади ва у секин асталик билан ўз аҳамиятини йўқота борди. Шундай бўлсада, айрим кам сонли ширлар ислохотларнинг мазмунини англаган ҳолда буддавийлик маданиятини тарғиб қилувчи шеъриятни миллий кадрият сифатида сақлаб қолишга, анъанавийлик ва замонавийлик орасидаги олтин ўрталикни топишга ҳаракат қилишди ва бу йўналишда бир қатор шеърлар ижод қилинганлиги маълум. Шу йўсинда бу каби шоирлар ҳам алоҳида услуби билан шеърият ислохотларига ўз ҳиссаларини қўшишди деб айтишимиз мумкин.

### ХУЛОСА

Ҳозирги вақтга келиб Хитойда Буддавийлик маданияти тарғиботининг муҳим ташувчилари сифатида бир қатор журналлар фаолият юритиб келмоқда. Бу унинг адабиёт ва шеърият билан яқинлигига бевосита таъсир қилади. Илмий тадқиқотларга мўлжалланган академик журналлар билан бир қаторда кенг оммага мўлжалланган дҳармалар тарғиботи билан ҳам шуғулланувчи журналлар мавжуд. Бундай журналларнинг бир жиҳати эътиборга

молик: бундай журналларда асосан анъанавий шаклда ёзилган дҳармаларга кўп ўрин берилади. Бунинг сабаби сифатида мумтоз услубда ёзилган шеърлар ҳажман қисқа бўлиб кам жой эгаллайди ва уларни тартибга келтириш осонлиги кўрсатилади. Масалан, 2001 йилда 《广东佛教》 (“Гуандун буддизми”) журналининг бир сонига 14 та мумтоз ва 2 та янги шаклдаги, 2002 йилда 114 та мумтоз ва 10 та янги шаклда ёзилган шеърлар киритилган. Мумтоз ва янги шаклдаги шеърларни миқдор жиҳатдан эмас балки мутаносиблик юзасидан қиёслаганда ўсиш тендинцияси кузатилади. Анъанавий шаклга ҳозир ҳам кўпроқ муружаат қилинаётгани бевосита мумтоз буддавийлик руҳини чуқур ҳис қилиш билан боғлиқ бўлиб унинг моҳиятини чуқурроқ англашга интилиш инъикоси бўлиши мумкин.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. 王贤芝：佛教新诗发展初探//China Academic Journal Elektronic Publishing. 四川大学文新学院. 第162页.
2. 杨希静：佛教与中国诗歌//艺术殿堂.安徽文学.2011年第10期
3. 梁启超：《亡友夏穗卿先生》，载《晨报副刊》，1924年4月29日。
4. 王贤芝：佛教新诗发展初探//China Academic Journal Elektronic Publishing. 四川大学文新学院. 第162页.
5. Karimova, N., Sadibekova, B., & Usmonova, S. (2021). The Roads of Central Asia-to the History of Buddhism. *TJE-Tematics journal of Education*, 6.
6. Usmanova, S., & Rikhsiyeva, G. (2017). Intercultural Communication. *Tashkent State Institute of Oriental Studies*.